

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ХОШИМОВ ХАЛИМЖОН ХАМИДЖАНОВИЧ

**АРРАЛИ ЖИН КОЛОСНИКЛАРИ РЕСУРСИНИ ОШИРАДИГАН
ПАЙВАНДЛАБ ҚОПЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника
ва робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Хошимов Халимжон Хамиджанович

Аррали жин колосниклари ресурсини оширадиган пайвандлаб қоплаш
материалларини асослаш..... 3

Хошимов Халимжон Хамиджанович

Обоснование наплавочных материалов, увеличивающих ресурс
колосников пильного джина..... 21

Хошимов Халимжон Хамиджанович

Substantiation of surfacing materials that increase the resource of the saw rib
gin..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ХОШИМОВ ХАЛИМЖОН ХАМИДЖАНОВИЧ

**АРРАЛИ ЖИН КОЛОСНИКЛАРИ РЕСУРСИНИ ОШИРАДИГАН
ПАЙВАНДЛАБ ҚОПЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника
ва робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T52 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қосимов Каримжон Зухриддинович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Эргашев Жамолиддин Саматович
техника фанлари доктори, профессор

Мадрахимов Дилшодбек Усубжонович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «29» январь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти 3-бино, 2-қават, илмий кенгаш хонаси).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (442-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.)

Диссертация автореферати 2022 йил «17» январь куни тарқатилди.
(2022 йил «17» январдаги № 61-рақамли реестр баённомаси).

Р.М.Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Х.Т.Бобожонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, доцент

К.М.Холиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда пахта толаси табиий хомашёнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу ҳолат жаҳон бозорида пахта толасига бўлган талаб ва унинг истеъмоли ортишига сабаб бўлмоқда. Пахта дунёнинг, асосан 38 мамлакатда етиштирилади ва бу маҳсулот умумий пахта миқдорининг 95 фоизини ташкил этмоқда¹. Пахта саноати ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Бразилия, Хитой, Ҳиндистон, Покистонда ресурстежамкор пахта тозалаш машиналарининг ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда пахта толаси ва уни сифатига бўлган талабларни янада ошириш, пахта маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш имкониятини берувчи, янги ресурстежамкор техника ва технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳон бозорида пахта толасининг сифати асосан толанинг узунлиги, ташқи кўриниши ҳамда таркибидаги ифлосликлар миқдorigа қараб белгиланади. Шу сабабдан жинлаш жараёнинг технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари турли йўналишларда олиб борилмоқда. Бу борада пахта тозалаш корхоналарининг асосий машинаси ҳисобланган аррали жиннинг ишлаш жараёнини автоматлаштириш, унинг иш унумдорлигини ошириш, колосникларни такомиллаштириш, машиналарнинг эксплуатацион ишончилигини ошириш ҳамда инновацион технологияларни жорий этиб олинаётган пахта толасининг табиий сифатини сақлаб қолиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, пахта тозалаш саноатини модернизация қилиш асосида ички ва ташқи бозор учун чиқарилаётган пахта маҳсулотлари сифат ва миқдор кўрсаткичларини яхшилаш, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, пахта толасини ажратиш машина ва қурилмаларини техник ва технологик такомиллаштириш, ишчи органларини ресурсини ошириш ва уларнинг таннархини пасайтириш муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифалардан ҳисобланади.

¹ The ICAC recorder. June 2021 Volume XXXIX, No. 2. ISSN 1022-6303. <https://www.icac.org>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон “Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахта саноати технологик машиналарини такомиллаштириш, янги самарали конструкцияларни ишлаб чиқиш, уларнинг ишлаш жараёнини кинематик ва динамик таҳлил қилиш, пахта толасининг табиий сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда технологик машиналарнинг ишчи органларини ва ҳаракат режимларини аниқлаш масалалари бўйича хорижда S.Z.Hall, T.Elliot, S.E.Hughs, R.N.Rakoff, A.V.Stanley, R.G.Hardin, P.A.Funk ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотларини алоҳида эътироф этиш лозим.

Ўзбекистонда Р.Мустафин, М.С.Эшонов, Г.И.Мирошниченко, Р.Бурнашев, Р.Муродов, С.Д.Болтабоев, Р.Г.Махкамов, И.Т.Максудов, А.А.Жўраев, Б.М.Мардонов, Ш.У.Раҳматқориев, И.Г.Шин, Х.Т.Ахмадхўжаев, Д.М.Муҳаммадиев, М.Т.Тиллаев, Н.Г.Гулидов, Р.Ш.Сулаймонов, Ш.Ш.Ҳакимов, С.З.Юнусов ва бошқа олимлар томонидан жинлаш жараёнида чигитга ва толанинг сифатига салбий таъсирларни бартараф қилиш, аррали жин машинасининг иш унумини ошириш, уларни ресурстежамкор қисмлар билан жиҳозлаш ва сарфланаётган энергия миқдорини камайтириш бўйича илмий изланишлар олиб боришган.

Лекин, амалга оширилган тадқиқотларда колосник ейилган ишчи юзасини пайвандлаб қоплаш йўли билан тиклаш ҳамда қопланган юзанинг физик-механик хоссаларига қатламнинг таркиби, структураси, қаттиқлиги каби кўрсаткичларнинг таъсири етарли даражада ўрганилмаган ва ҳисобга олинмаган. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда колосникларнинг ейилган ишчи юзасини ейилишга чидамли қатлам билан пайвандлаб қоплаб унинг ресурсини ошириш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш режалаштирилди. Унда пайвандлаб қопланган юзанинг физик-механик хоссаларига қатламнинг таркиби, структураси, қаттиқлиги каби кўрсаткичларнинг таъсирини ва ейилишига чидамлилигини ўрганиш кўзда тутилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Андижон машинасозлик институтининг илмий тадқиқот ишлари режаси ва ЁОТ-Атех-2018-85 “Замонавий композицион материалларни қоплаб машина деталлари ресурсини орттириш технологияси параметрларини асослаш” (2018-2019 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аррали жин колосникларини ейилган ишчи юзаларига ейилишга чидамли материалларни пайвандлаб - қоплаб ресурсини ошириш ва параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аррали жин колосникларининг иш ресурсини ошириш бўйича мавжуд технологиялар ва техника воситаларга оид илмий ва техникавий маълумотлар ҳамда шу йўналишда илгари бажарилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлилий тадқиқ этиш;

пайвандлаб қайта тикланган колосниклар ресурсини ишчи юзасига пайвандлаб қопланган қатлам қаттиқлиги, колосникка таъсир этадиган босим кучи, ишқаланиш тезлиги каби параметрларга боғлиқ ҳолда ўзгариш қонуниятларини назарий асослаш;

қайта тикланган колосникларни жилвирлаш ва ейилишга синаш қурилмасини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу қурилма ёрдамида лаборатория тадқиқотларини ўтказиш;

экспериментал тадқиқотлар асосида колосникларни унга таъсир этадиган босим кучи, материалнинг қаттиқлиги ва арранинг айланиш тезлигига боғлиқ равишда ейилиш қонуниятларини ўрганиш ҳамда уларни ифодаловчи эмпирик боғланиш қонуниятларини аниқлаш;

ишчи юзаси ейилган колосникларни пайвандлаб қоплаш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқилган технология асосида пайвандлаб қопланган колосникларнинг ейилишга чидамлилигини аниқлаш устида ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш ва унинг техник-иктисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида аррали жин машинасининг колосниклари олинган.

Тадқиқотнинг предмети колосниклар ва уларга пайвандлаб қопланган материалларининг таркиби, структураси, қаттиқлиги, ейилишга чидамлилиги ва пайвандлаб қоплашнинг ишчи режимлари ва кўрсаткичларига боғлиқ параметрлари ҳамда уларнинг ўзгариш қонуниятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математикавий ҳисоблаш қоидалари, назарий механика қонуниятлари, статистик таҳлил усуллари, физиканинг фундаментал қонун ва қоидаларидан фойдаланилган. Илмий изланишлар классик механика қоидалари, математик таҳлил ва усуллари, экспериментал тадқиқотлар ГОСТ каби стандартлар асосида амалга оширилди. Олинган натижаларни баҳолашда математик статистика қоидаларидан ва компьютернинг Word ва Excel программаларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пайвандлаб қайта тикланган колосниклар ресурсини ишчи юзасига пайвандлаб қопланган қатлам қаттиқлиги, колосникка таъсир этадиган босим кучи, ишқаланиш тезлиги кабиларга боғлиқ ҳолда ўзгариш қонуниятлари назарий асосланган.

колосникларнинг иш ресурсини янгисига нисбатан 2,4 марта юқори бўлишини таъминлайдиган материални пайвандлаб қоплаб олинган қатламнинг таркиби, структураси, қаттиқлиги ва ейилишга чидамлилиги асосланган;

экспериментал тадқиқотлар асосида пайвандлаб қопланган колосникларни унга таъсир этадиган босим кучи, материалнинг қаттиқлиги ва арранинг айланиш тезлигига боғлиқ равишда ейилиш қонуниятлари ўрганилган ҳамда уларни ифодаловчи эмпирик боғланишлар ва регрессия тенгламалари олинган;

пайвандлаб қопланган аррали жин машинаси колосникларни жилвирлаш қурилмасининг конструкцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аррали жин машинасининг ишчи камераси такомиллаштирилган, натижада колосникларнинг ресурсини орттириш ва ейилишини камайтириш имкони яратилган;

колосникларнинг ишчи юзаларига ейилишга чидамлилиги юқори бўлган материални пайвандлаб қоплаш технологияси ишлаб чиқилган;

пайвандлаб қопланган колосникларни жилвирлаш қурилмаси ишлаб чиқилган, натижада ишлаб чиқариш шароитида пайвандлаб қопланган колосникларни жилвирлаш имкони яратилган;

пайвандлаб қопланган колосникларни ейилишга синаш қурилмаси ишлаб чиқилган, натижада унинг ёрдамида лаборатория тадқиқотлари ўтказиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг самарали услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий тадқиқотларни назарий механика, материалшунослик, машина деталлари ва материаллар қаршилиги қоидалари асосида амалга оширилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг адекватлиги, пайвандлаб қопланган колосникларнинг лаборатория ва тажриба синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахта тозалаш корхоналаридаги тола ажратиш машиналарини ишлаш самарасини ҳамда тола ажратиш машинаси колосникларини иш ресурсини оширадиган пайвандлаб қоплаш материалнинг таркибини асосланганлиги, колосниклар ишчи юзасининг ейилишини пайвандлаб қопланган қатламнинг таркиби, структураси ва қаттиқлиги каби кўрсаткичларига ҳамда колосникка таъсир этадиган босим кучи ва арранинг айланиш тезлигига боғлиқлигини ифодаловчи назарий ва эмпирик боғланишлар, регрессия тенгламалари олинганлиги ҳамда уларни иш органларини тадқиқ этишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чигитли пахтадан толани ажратиш олиш жараёнида жинлашнинг узлуксизлигини таъминловчи аррали жин машинаси ишчи камераси такомиллаштирилганлиги, шунингдек ейилишга

чидамли пайвандлаш материалларни пайвандлаб қоплаш технологиясини ишлаб чиқилганлиги, уни ишлаб чиқаришга қўллаш натижасида колосникларнинг иш ресурси 2,4 марта оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аррали жин колоснигининг ресурсини оширадиган пайвандлаб қоплаш материалларини асослаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида:

ишчи юзасига Т 590 маркадаги қопламали электродлар пайвандлаб қопланган колосниклар “Ўзбекистон пахта тўқимачилик кластерлари” уюшмасига қарашли Андижон вилоятининг “Хўжаобод Файз-М” МЧЖ кластер корхонасида узлуксиз технологик жараёнга жорий этилган. («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг 2021 йил 21 октябрдаги 03/12-253-сон маълумотномаси). Натижада жинланган чигит тукдорлиги 0,4% га ҳамда механик шикастланиш 0,5% га пасайишига, пайвандлаб қопланган колосникларнинг ейилиши 0,13 мм га камайишига иш ресурсини 2,4 марта ортишига эришилган;

пайвандлаб қопланган колосникларни жилвирлаш қурилмасининг конструкцияси яратилган (№ FAP 01631, 20.05.2021). Натижада лаборатория тадқиқотлари ва ишлаб чиқариш шароитида пайвандлаб қопланган колосникларни пайвандлаб қоплашдан аввал ва кейин жилвирлаш имкони яратилган;

пайвандлаб қопланган колосникларни ейилишга синаш қурилмасининг конструкцияси ишлаб чиқилган (№ FAP 2021 03 12). Натижада лаборатория тадқиқотларида бир вақтнинг ўзида тўрттадан колосник ва аррадан иборат ишқаланиш жуфтини бир-бирига маълум куч таъсирида ейилишга синаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 2 та патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг

ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Масаланинг қўйилиши ва тадқиқот вазифалари”** деб номланган биринчи бобида аррали жин машиналарининг ишлаш жараёни, уларнинг иш сифатига ва ишончлилигига таъсир этувчи омиллар, колосникларни ейилишига олиб келувчи омиллар ва аррали жин колосникларини ресурсини ошириш устида олиб борилган илмий – тадқиқот ишларининг таҳлили амалга оширилган. Бунда бир қатор камчиликлар аниқланиб, ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида колосникларни пайвандлаб қоплаб ресурсини орттириш муҳим эканлиги ҳақида хулосага келинган. Натижада жинлаш жараёнини жадаллаштириш ва иш унумини оширишга эришилади.

Маълумки, колосникларни аррали жин машинасининг ишчи камерасига бир қатор ёнма-ён жойлаштирилиб панжара ҳосил қилинади. Колосникли панжаранинг ҳар бир оралиғига дисксимон арралар ўрнатилган бўлиб, у айланиш жараёнида толани тишига илиб олиб чигит юзасидан юлиб олади ва уни панжара орасидан олиб ўтиб кетади. Панжаралар орасига чигит сиғмаганлиги сабабли у панжара орасидан ўтмайди. Аммо чигитдан толани ажратиб олишда юзага келадиган турли кучлар таъсирида аррани бир текис айланиши издан чиқиб қобирғали панжара сифатидаги колосникнинг ишчи юзасига тегиб ўтиши, толани ишқаланиши каби омиллар таъсирида колосниклар ейилади. Ейилиш натижасида колосникли панжара орасидаги тирқиш кенгайиб ундан тола билан биргаликда чигит ҳам ўтиб кетиши ва толанинг сифатини бузилишига олиб келади. Ишчи юзаси ейилган колосникларни янгиси билан алмаштириш жинлаш технологик жараёнини узлуксизлиги бузулишига, машинанинг фойдали иш коэффиценти паст бўлишига ва меҳнат сарфи ортишига олиб келади. Бундан ташқари ейилган колосникларни алмаштириш иқтисодий жиҳатдан самарасиздир.

Юқорида келтирилган омиллар колосник ишчи юзаларини кўп марта деформациялаб микроқирқишларга сабаб бўлади. Бу жараёнларнинг ривожланиши пайвандлаб қопланган материалнинг қаттиқлигига боғлиқ бўлади. Пайвандлаб қопланган қатламнинг таркибидаги легирловчи элементлар пайвандлаш жараёнида юқори қаттиқликдаги карбид ва боридлар ҳосил қилади. Бунда пайвандлаб қопланган қатлам ишчи юзасида гетероген структурали қатлам ҳосил бўлади. Ушбу гетероген структурали қатлам колосникнинг ейилишга ва ишчи юзасини тирнаб микроқирқилишлар содир бўлишига қаршилик қилади. Шунинг учун ҳам бундай структурали қатлам билан қопланган колосникларнинг ейилишга чидамлилиги юқори бўлади.



1-расм. а) “Арра диски - колосник” ишқаланувчи жуфтлигида ҳосил бўлувчи кучларни таҳлилий схемаси; б) Кучлар таъсирида арра дискининг кўндаланг тебраниши.

Диссертациянинг “Назарий тадқиқотлар” деб номланган иккинчи бобида пайвандлаб қайта тикланган колосниклар ресурсини ишчи юзасига пайвандлаб қопланган қатлам қаттиқлиги, колосникка таъсир этадиган босим кучи, ишқаланиш тезлиги каби параметрларга боғлиқ ҳолда ўзгариш қонуниятлари назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Арра-диски ва колосник ишқаланиш жуфтида ейилиш жадаллиги асосан уларнинг қаттиқлик даражаси билан узвий боғланган.

$$I = \frac{\Delta h}{\Delta t} = K_0 \frac{PV_{нис}}{H} \quad (1)$$

бунда K_0 – пропорционаллик коэффициенти;

P – колосник ейилувчи сиртига берилувчи босим кучи, Ра;

$V_{нис}$ – арра диски ишқаланувчи нуқтасининг колосникка нисбатан нисбий тезлиги, м/с;

H – пайвандлаб қопланган қатламнинг қаттиқлиги, НРА;

Δh – ейилиш миқдори, мм;

Δt – ейилиш учун сарфланган вақт, с;

(1) ифодадан кўринадик, ейилиш жадаллиги қийматини белгиловчи катталиқни ейилувчи юзага таъсир этаётган босим кучи ва бу юзаларнинг нисбий тезлигига тўғри пропорционал бўлиб, қаттиқлигига тесқари пропорционал боғлангандир.

Ишқаланувчи юзага берилаётган босимни ҳосил қилувчи кучимиз $F_{эл}$ ни Гук қонунига асосан аниқлашимиз мумкин.

Колосникка берилаётган босим:

$$P = \frac{F_{эл}^2 + F_T^2}{lL} \quad (2)$$

бунда,

$$F_{эл} = \frac{ES_{\phi}}{\delta} \cdot \frac{4 \cdot \cos(\omega t + \varphi_x)}{\pi \omega_0^2 \sqrt{\left[1 \left(\frac{\omega}{\omega_0}\right)^2\right]^2 + \left[2\eta \frac{\omega}{\omega_0}\right]^2}} \quad (3)$$

(1) тенгламани Δh га нисбатан ечиб қуйидаги ифодани оламиз:

$$\Delta h = \frac{kP \cdot V_H}{H} \Delta t \quad (4)$$

(4) да $\Delta t \rightarrow 0$ даги лимитини ҳисоблаш мумкин лекин модданинг қаттиқлиги даражаси кўплаб молекуляр хоссаларига, физик-кимёвий параметрларига боғлиқ бўлгани сабабли унинг қаттиқлигини ифодаловчи функция ўта мураккаб бўлади. Бу эса бизнинг тадқиқотимиз доирасидан четдаги мавзунини ташкил этади.

Юқоридаги ифодалардан фойдаланиб пайвандлаб қайта тикланган колосникни ишлаш муддатини (ресурсини) аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилди.

$$T = \frac{\Delta h_{рес} - a_{обк}}{\Delta h / \Delta t} = \frac{[\Delta h_{рес} - a_{обк}] \cdot H}{kP \cdot V_{нис}} \quad (5)$$

Ёки нисбий ейилиш коэффициенти ε ни эътиборга олсак

$$T = \frac{[\Delta h_{рес} - a_{обк}] \cdot l \cdot L \cdot H}{\varepsilon K \sqrt{F_{эл}^2 + F_T^2} V_{нисб}} \quad (6)$$

бунда ε –нисбий ейилиш коэффициенти;

$\Delta h_{рес}$ – рухсат этилган ейилиш, мм;

$a_{обк}$ – обкатка давридаги ейилиш, мм.

Уларнинг нисбий ейилиш коэффициенти қаттиқликлари нисбати орқали аниқлаш мантиқан тўғри бўлади, яъни:

$$\varepsilon = H_{ар} / H_{кол} \quad (7)$$

бунда $H_{кол}$ - колосник материали қаттиқлиги, НРА;

$H_{ар}$ – арра диски материали қаттиқлиги, НРА.

Арра диски ишқаланувчи юзасининг колосникка нисбатан нисбий тезлиги арра диски чизикли тезлиги ва колосник тебранма ҳаракати тезликларининг геометрик йиғиндисидан иборат бўлади.

$$\overline{V}_H = \overline{V}_{кол} + \overline{V}_{ар} \quad (8)$$

Колосник ва арра дискининг тебранма $V_{кол}$ ҳаракат тезлиги арранинг ишқаланувчи нуқталарининг колосникка нисбатан $V_{ар}$ тезлиги билан ҳамма вақт ўзаро перпендикуляр текисликларда ётади, улар орасидаги бурчак $\beta = 90^\circ$

$$V_{нис} = \sqrt{V_{ар}^2 + V_{кол}^2} \quad (9)$$

Колосник тебранма ҳаракати тезлигини (1) ифода ечимидан вақт бўйича ҳосила олиш орқали аниқлаймиз.

$$V_{кол} = \frac{dx}{dt} = \frac{-4\omega \sin(\omega t + \varphi_x)}{\pi\omega_0^2 \sqrt{[1 - (\omega/\omega_0)^2]^2 + [2\eta(\omega/\omega_0)]^2}} \quad (10)$$


Арра диски нуқталарининг чизиқли тезлиги

$$V_{ар} = \omega_0 \cdot r \quad (11)$$

бунда ω_0 - арранинг айланиш частотаси, Гц;

r - арранинг радиуси, мм.

Юқорида айтиб ўтилган ифодалардан фойдаланиб, пайвандлаб қайта тикланган колосникларни ишлаш муддатини ҳисоблаш орқали олинган натижалар асосида қуйидаги график ҳосил қилинди.



2-расм. Колосникларни унга таъсир этадиган босим кучи(1), материалнинг каттиқлиги(2) ва арранинг айланиш тезлиги(3)га боғлиқ равишда ейилиш графиги.

Тажриба ва назарий ҳисоб орасидаги фарқ 4 % дан кам бўлди. Демак, омиллар ўртасида функционал боғлиқлик бор. Графикдан кўриш мумкинки, пайвандланган қоплама қаттиқлиги ортганда ейилиш кўрсаткичи камайишига олиб келган. Арра дискининг айланишлар сони ортиши билан ейилиш кўрсаткичи камайган. Арра дискининг айланишлар сони пахтани тозалаш самарадорлиги ва сифатига боғлиқ бўлганлиги сабабли стандарт бўйича 730 айл/мин олинади. Босим кучининг ортиши ейилиш кўрсаткичи ортишига олиб келган. Толани ажратиш жараёнида колосникка арра дискини босим кучи 10 Н қилиб олинган.

Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш методикаси ва натижалари**» деб номланган учинчи бобида экспериментал тадқиқотларнинг дастури, лаборатория ва ишлаб чиқариш методикаси, тадқиқотлар олиб бориш учун керакли жиҳозлар, намуналарнинг микроструктурасини ўрганиш натижалари, қопламаларнинг спектрал таҳлил натижалари, материалларнинг каттиқлигини аниқлаш ҳамда намуналарнинг

ейилишга чидамлилигини баҳолаш, экспериментал тадқиқотларнинг такрорланиши ва хатолигини аниқлаш усуллари келтирилган.

Диссертацияда қўйилган мақсадга эришиш учун белгиланган вазифалар ва назарий тадқиқотлар натижалари асосида экспериментал тадқиқотларнинг дастури ва усуллари ишлаб чиқилди. Экспериментларни ўтказишда тармоқ ва Давлат стандартларига мос ҳолда танлаб олинган жиҳозлардан ва муаллиф томонидан ишлаб чиқилган қурилмалардан фойдаланилди.

Тажрибалар ўтказиш учун СЧ 15-35 маркали чўяндан тайёрланган 30x30x10 мм ўлчамли пластинага кўп қатламли эритиб қоплаш билан 1) ЛЭЗ МР-3С; 2) Z408; 3) УОНИ-13/45; 4) Св08-Г2С; 5) Т-590; 6) АНО-4; 7) ЦЧ ва 8) JSL422 маркали қопламали электродлардан фойдаланиб амалга оширилади. Эритиб қоплаш режими: пайвандлаш токи 90-110 А, ёй кучланиши 24-28 В, ток қутблилиги тескари, электрод диаметри 3-4 мм. Қопланган юзаларни камида 90% контактда бўлишини таъминлаш учун намуналар ТШ500 маркали жилвирлаш дастгоҳида махсус механик ишлов бериб текисланди.

Тайёрланган намуналарнинг қаттиқлиги, кимёвий таркиби, микроструктураси ва ейилишга чидамлик кўрсаткичлари Навоий кон-металлургия комбинати материалшунослик лабораториясида таҳлил қилиниб натижалар олинди. Тажрибалар корхонанинг етакчи мутахассислар ҳамкорлигида олиб борилди. Бунинг учун лабораториядаги ҳаво харорати + 21⁰С, намлик 45% бўлиши таъминланди.

Колосникларнинг ейилишга қаршилиги маълум даражада уларнинг қаттиқлигига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам колосникларнинг ишчи юзалари етарли даражада қаттиқ бўлиши талаб этилади. Лекин колосниклар ишчи юзасини қайта тиклашда қопланган металнинг қаттиқлиги арра диски қаттиқлигидан паст бўлиши керак (50-75 HRA). Шунда колосник ишчи юзасига арра дискининг тишлари тегиши натижасида арра дискининг тишлари синиб кетмаслиги таъминланади. Тажрибалар ўтказиш орқали керакли қаттиқликни берувчи пайвандлаш материали танлаб олинади.

Намуналарнинг қаттиқлигини аниқлаш учун Роквелл усулидан фойдаланилди, чунки бу усул ёрдамида жуда қаттиқ материалларни ҳам синашга имкони мавжуд. Бундан ташқари, синаш вақтида деталл юзасида қоладиган из жуда кичик бўлганидан деталнинг сифатига путур етказмайди. Бу усулнинг яна бир афзалликларидан бири шуки, синаш вақти 30-60 секунддан ошмайди.

Қопланган қатламнинг қаттиқлигини аниқлаш ГОСТ 9013-59 “**Метод измерения твердости по Роквеллу**” га асосан олиб борилди.

Олинган натижалар HRA шкала бўйича бир хил бирликка келтирилди ва уларнинг ўртача қийматлари 1-жадвалга киритилди.

1-жадвал

Намуналарнинг ўртача қаттиқликлари

Намуна №	1	2	3	4	5	6	7	8
Қаттиқлиги HRA	52	70	52	60	75	50	55	49

1) Юзасига ЛЭЗ МР-3С маркали қопламали электрод билан пайвандлаб қопланган намуна; 2) юзасига Z408 маркали қопламали электрод билан

пайвандлаб қопланган намуна; 3) юзасига УОНИ-13/45 маркали қопламали электрод билан пайвандлаб қопланган намуна; 4) юзасига Св08-Г2С маркали пайвандлаш сими қопланган намуна; 5) юзасига Т-590 маркали қопламали электрод билан пайвандлаб қопланган намуна; 6) юзасига АНО-4 маркали қопламали электрод билан пайвандлаб қопланган намуна; 7) юзасига ЦЧ маркали қопламали электрод билан пайвандлаб қопланган намуна; 8) юзасига JSL422 маркали қопламали электрод билан пайвандлаб қопланган намуна.

Кимёвий таркибни аниқлаш ГОСТ 27611-88 “**Метод фотоэлектрического спектрального анализа**” га асосан олиб борилди. Тайёрлаб олинган намуналар мутахассислар бошчилигида SPECTROLAB – 10 М қурилмасида кимёвий таркиби аниқланди.

Қуйидаги 2-жадвалда намуналарнинг кимёвий таркиблари келтирилган.

2-жадвал

Спектраль таҳлил натижасига кўра намуналарнинг кимёвий таркиблари


	C	Si	Mn	P	S	Cr	Ni	Cu	Ti	W	Mo	B
1.	0,11	0,30	0,46	0,03	0,03	0,05	0,08	0,20	0,013	-	0,01	-
2.	0,83	5,08	0,29	0,02	0,02	0,25	0,03	0,09	0,08	0,01	-	-
3.	0,11	0,17	0,29	0,03	0,04	0,15	0,05	0,12	-	-	-	-
4.	0,09	0,27	0,65	0,025	0,030	0,1	0,05	0,12	-	-	-	-
5.	2,9	2,0	1,2	0,04	0,035	22,0	-	-	-	-	-	0,5
6.	0,10	0,15	0,52	0,033	0,025	-	-	-	-	-	-	-
7.	0,14	0,24	0,26	0,04	0,041	0,09	0,04	0,10	-	-	-	-
8.	0,14	0,24	0,26	0,04	0,041	0,09	0,04	0,10	-	-	-	-

Намуналарнинг микроструктуралари МЕТАМ РВ-23 ва ММР-4 русумли металлографик микроскоплар ёрдамида ўрганилди.

Тажрибалар ГОСТ 5640-68 “**Металлографический метод оценки микроструктуры листов и ленты**” га асосан олиб борилди.

Тажрибалар олиб бориш учун намуналарнинг юза қатлами азот кислотасининг спиртдаги 4% ли эритмаси билан тозалаб олинди ва микроскопга ўрнатилди. Натижалар 3– расмда келтирилган

Намуналарнинг пайванд қатлами сорбит структуранинг ҳосил бўлишига асосий сабаб пайвандланган юзанинг совиш тезлигида эканлиги билан изоҳланади. Структурадаги оқ жойлар феррит ва никеллар ҳисобига ҳосил бўлган. Нисбатан қорароқ жойлар цементит ва хром, титан, марганец, кремний каби элементларнинг карбидларидан иборат.



3-расм. Пайвандлаб қопланган намуналарнинг микроструктуралари. (x300)

Намуналар микроструктураси тадқиқот қилинганда, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи намуналарнинг метали бошқа намуналарнинг қопланган металига нисбатан бир текис кўринди. Шунинг учун тажрибаларни давом эттиришда Т 590, Z408, Св-08Г2С ва УОНИ-13/45 маркали электродлар танлаб олинди.

Пайвандлаб қопланган колосникларни лаборатория шароитида синаш ГОСТ 30480-97 “Обеспечение износостойкости изделий. Методы испытаний на износостойкость”га асосан ўтказилди.

3-жадвал

Синовдан ўтказилган намуналарнинг ўртача ейилиш миқдорлари

№	Пайвандлаб қопланган материал	Колосникни арра дискига босувчи куч, Н			Ўртача ейилиш миқдорлари, (мм)
		5	10	15	
	Т 590	0,01	0,02	0,025	0,018
	Z408	0,016	0,032	0,04	0,022
	Св-08Г2С	0,02	0,04	0,05	0,036
	УОНИ-13/45	0,026	0,053	0,06	0,046
	Мавжуд колосник	0,04	0,08	0,1	0,073

Ҳар бир намуна бир ҳил режимда 30 дақиқадан ейилишга синовдан ўтказилди. Колосник ишчи юзада ейилиши ҳосил бўлиши учун колосниклар 5, 10 ва 15 Н куч билан арра дискига босилиб, диск 720,730 ва 740 айл/мин тезликда айлантирилди. Маълум вақтдан сўнг намуна қурилмадан ечиб олиниб уларнинг чизиқли ейилиш миқдори микрометр ёрдамида ўлчаб аниқланди. Натижалар аниқлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир тажриба 3 маротабадан такроран ўтказилди, олинган натижаларнинг ўртача қийматлари 3- жадвалда келтирилган.

Жадвалдаги натижалар таҳлил қилинганда, агар мавжуд колосникни ўртача ейилиш жадаллигини 1,0 га тенг деб олсак, унга нисбатан Т 590 маркадаги электрод билан пайвандлаб қопланган намуна 4.0 марта, Z408 маркадаги электрод билан пайвандлаб қопланган намуна 3,3 марта, Св-08Г2С

маркадаги электрод билан пайвандлаб қопланган намуна 2,0 марта ва УОНИ-13/45 маркадаги электрод билан пайвандлаб қопланган намуна 1,6 марта камроқ ейилганлигини кўришимиз мумкин.

Қайта тикланган колосникларнинг ейилиш кўрсаткичини кўп омилли тажрибалар асосида пайвандланган қатлам қаттиқлиги, арра дискининг айланиш тезлиги ва босим кучига боғлиқлиги ўрганилди. Бунинг учун энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб, омиллар ўртасидаги боғлиқликнинг эмпирик формуласи ишлаб чиқилди.

Қайта тикланган колосникларда мавжуд бўлган иш режимларининг баҳолаш мезонларига таъсирини камайтириш мақсадида тажрибаларни ўтказиш тартиби тасодифий сонлар жадвалидан фойдаланиб белгиланди.

Тажриба натижаларига кўрсатилган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламаси олинди:

$$Y = 0,03538 - 0,01013x_1 + 0,001625x_2 + 0,015125x_3 + 0,000125x_1x_2 - 0,00438x_1x_3 - 0,00013x_2x_3 + 0,000375x_1x_2x_3 \quad (12)$$


Регрессия тенгламасининг ишончлилигини текшириш учун Фишернинг F -мезонидан фойдаланилган. Бизда тўплам корреляция коэффиценти $R = 0,99$; кузатувлар сони $N = 8$; омиллар сони $k = 4$.

Фишернинг F -мезони қиймати:


$$F = \frac{R^2 \cdot (N - k)}{(1 - R^2) \cdot (N - 1)} = 28 \quad (13)$$

Тадқиқот натижаларини янада ойдинлаштириш мақсадида тенглама ЭХМнинг Excel дастурида ечилиб, параметрларнинг боғлиқлик графиклари олинди.


Ўтказилган тажрибалардан келиб чиқиб, таъсир этувчи омиллар пайвандланган қоплама қаттиқлиги x_1 , арра дискининг айланиш сони x_2 ва босим кучи x_3 билан колосникнинг ейилиш кўрсаткичи y (мм) ўртасида функционал регрессион боғланиш борлиги аниқланди.




а)



б)



в)



з)

4-расм. а) Намуналарнинг ўртача ейилиш жадаллиги; б) пайвандланган қоплама каттиқлиги (HRA) га боғлиқ ҳолда ейилиш кўрсаткичи (y) нинг ўзгариш графиги; в) арра дискининг айланиш сони (n) га боғлиқ ҳолда ейилиш кўрсаткичи (y) нинг ўзгариш графиги; з) босим кучи (P) га боғлиқ ҳолда ейилиш кўрсаткичи (y) нинг ўзгариш графиги.

Диссертациянинг «Колосникларни пайвандлаб қоплаб ресурсини оширишнинг техник-иқтисодий асослари» деб номланган тўртинчи бобда колосникларини пайвандлаб қоплаш ва йиғиш технологияси, пайвандлаб қоплаб ресурси оширилган колосникларнинг ишлаб чиқариш синовлари натижалари ҳамда уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари (иқтисодий самарадорликни аниқлаш методикаси) келтирилган.

Ишлаб чиқариш синовларидан кўзда тутилган асосий мақсад ишлаб чиқариш шароитида мавжуд ва пайвандлаб қопланган колосникларнинг ишчанлигини ва ейилишга чидамлилигини аниқлашдан иборат.

Ишлаб чиқариш синовларини олиб бориш учун мавжуд ва ишчи юзасига дастаки ёйли пайвандлаш усулидан фойдаланиб Т 590 маркали электрод пайвандлаб қопланган колосниклар олинди.

Пайвандлаб қопланган колосниклар “Ўзбекистон пахта тўқимачилик кластерлари” уюшмасига қарашли Андижон вилоятининг “Хўжаобод Файз-М” МЧЖ кластер корхонасида фойдаланиб келинаётган 4ДП-130 русумли аррали жин машинасига ўрнатилиб ишлаб чиқариш синовидан ўтказилди.

Синов ишлари пахтанинг С6524 селекциясида, 1 нав 2 – синфида олиб борилди. Бунда пахтанинг бошланғич намлиги 9,6% га, ифлослиги 10,6% га тенг бўлиб, жиннинг тарновида намлиги 7,9% ни, ифлослиги 1,1% ни ташкил этади.

Тадқиқотлар давомийлиги жинланган чигит тукдорлигига, механик шикастланишга ҳамда колосникларнинг ейилишига қараб белгиланди. Пахтани жинлашда ишлаб чиқарилаётган чигитнинг сифатини аниқлаш учун намуналар олиниб, лаборатория шароитида таҳлил қилинди, колосникларнинг ейилишини эса уларнинг ишчи юзаси ўлчамлари штангенциркул ёрдамида ўлчаш орқали аниқланди.

Таҳлил натижалари аниқ бўлиши учун синовлар икки ой давомида ҳар йигирма кунда такроран амалга оширилди. Олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган.

Ишлаб чиқаришда ўтказилган синов натижалари

№	Кўрсаткичлар	Пайвандлаб қопланган колосник	Мавжуд колосник
1.	Пахтанинг намлиги, (%)	7,9	7,9
2.	Ифлослик, (%)	1,1	1,1
3.	Жинланган чигитнинг туқдорлик даражаси ўртача, (%)	10,7	11,1
4.	Чигитнинг механик шикастланиши, (%)	2,5	3,0
5.	Колосникнинг ўртача ейилиш жадаллиги, мм	0,09	0,22

Жадвалдаги натижалардан кўришимиз мумкинки жинланган чигит туқдорлиги 0,4% га ҳамда механик шикастланиш 0,5% га пасайишига, пайвандлаб қопланган колосникларнинг ейилиши 0,13 мм га камайишига иш ресурсини 2,4 марта ортишига эришилган.

Ейилиб ишдан чиққан колосникларни пайвандлаб қайта тиклаш уларнинг иш муддатини оширади ва натижада колосникларга бўлган эҳтиёт қисмлар сарфи 40% гача камаяди, пайвандлаб қоплаш усулини ишлаб чиқаришга жорий этиш иш унуми ва аррали жиндан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Ўтказилган ишлаб чиқариш синов натижалари асосида ейилган колосникларни Т 590 маркали қопламали электродлар билан пайвандлаб қоплаш тавсия этилди.

Ишчи юзасига Т 590 маргадаги қопламали электродлар пайвандлаб қопланган колосниклар ўрнатилган 1 дона жинлаш машинасидан кутилаётган йиллик иқтисодий самарадорлик 18 482 688 сўмни ташкил қилган.

Пайвандлаб қопланган колосниклар “Ўзбекистон пахта тўқимачилик кластерлари” уюшмасига қарашли Андижон вилоятининг “Хўжаобод Файз-М” МЧЖ ларида жорий қилинган.

ХУЛОСАЛАР

“Аррали жин колосниклари ресурсини оширадиган пайвандлаб қоплаш материалларини асослаш” мавзусида техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинган:

1. Аррали жин машинаси колосникларини ресурсини орттириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар ўрганилганда, колосник ейилган ишчи юзасини пайвандлаб қоплаб ресурсини ошириш ҳамда қопланган юзанинг физик-механик хоссаларига қатламнинг таркиби, структураси, қаттиқлиги каби кўрсаткичларнинг таъсири етарли даражада ўрганилмаган ва ҳисобга олинмаган

2. Колосникларнинг ресурсини назарий ҳисоблашнинг аналитик ифодаси аниқланди. Бунинг учун пайвандлаб қайта тикланган колосниклар ресурсини ишчи юзасига пайвандлаб қопланган қатлам қаттиқлиги, колосникка таъсир этадиган босим кучи, ишқаланиш тезлиги каби параметрлари боғлиқлиги ўрганилди.

3. Пайвандлаб қопланган қатламнинг қўйилган талабларга жавоб берадиган хоссаларга эга бўлиши учун бир-бирига боғлиқ ҳолда пайвандлаш материаллари, жиҳозлари, режимлари ва олинган пайванд қатламнинг хоссалари асосланган бўлиши керак. Шу мақсадда тадқиқот ишларини олиб боришда юқорида келтирилган кўрсаткичларни аниқлаш, олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаш ва уларни илмий нуқтаи-назардан баҳолаш учун тадқиқот олиб бориш дастури ва услублари ишлаб чиқилди.

4. Турли маркали пайвандлаш материаллари ёрдамида пайвандлаб қопланган намуналарнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш натижасида колосникларнинг ейилган ишчи юзасига қоплаш учун энг мақбул пайвандлаш материали аниқланди.

5. Ўтказилган синов натижалари асосида колосниклар ейилган ишчи юзасига Т 590 маркали пайвандлаш материали пайвандлаб қопланган намунанинг ейилишга чидамлилиги бошқаларига нисбатан юқорилиги аниқланди ва ейилган колосникларни қайта тиклашда қўллашга тавсия этилди.

6. Ўтказилган лаборатория синовлари асосида Т-590 қопламали электроди билан ейилган колосникларнинг ишчи юзаларини пайвандлаб қоплаб тиклаш технологияси ишлаб чиқилди. Ушбу технология асосида колосниклар Т 590 маркали электродлар билан пайвандлаб қоплаб ишлаб чиқариш синовларига қўйилди.

7. Ўтказилган ишлаб чиқариш синовлари натижаларига кўра ишчи юзасига Т 590 маргадаги электрод пайвандлаб қопланганда колосникнинг иш ресурси мавжуд колосникка нисбатан 2.4 мартага ортади.

8. Ишлаб чиқилган усул орқали ейилган колосникни Т 590 электроди билан пайвандлаб қоплаш орқали кутилаётган йиллик иқтисодий самарадорлик 18 482 688 сўмни ташкил қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

ХОШИМОВ ХАЛИМЖОН ХАМИДЖАНОВИЧ

**ОБОСНОВАНИЕ НАПЛАВОЧНЫХ МАТЕРИАЛОВ,
УВЕЛИЧИВАЮЩИХ РЕСУРС КОЛОСНИКОВ ПИЛЬНОГО ДЖИНА**

**05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроника и робототехнические
системы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган–2022

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.3.PhD/T1315.

Диссертация выполнена в Андижанском машиностроительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nammti.uz) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Косимов Каримжон Зухриддинович
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Эргашев Жамолиддин Саматович
доктор технических наук, профессор

Мадрахимов Дилшодбек Усубжонович
доктор философии (PhD) по техническим наукам, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Жиззахский политехнический институт

Защита диссертации состоится «29» января 2022 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, 3-здание, 2-этаж Наманганского инженерно-технологического института, зал Научного совета, тел: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № 442).

Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «17» января 2022 года.

(реестр протокола рассылки №61 от «17» января 2022 года.).

Р.М.Муродов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

Х.Т.Бобожанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, доцент

К.М.Холиков

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире хлопковое волокно является основным натуральным сырьем при выпуске текстильных изделий. Это является причиной повышения спроса к хлопковому волокну и его потребления на мировом рынке. Согласно статистике, основными 38 странами – производителями хлопка производится 95 % общего производства хлопка в мире¹. В развитых странах, в том числе США, Бразилии, Китае, Индии и Пакистане особое внимание уделяется разработке и усовершенствованию ресурсосберегающих хлопкоочистительных машин. В этом направлении особое место занимают усиление требований к качеству хлопкового волокна, разработке новых ресурсосберегающих техники и технологий, позволяющих улучшить качество продуктов из хлопка-сырца и уменьшить их себестоимость.

На мировом рынке конкурентоспособность хлопкового волокна определяется, в основном, по длине волокна, по внешнему виду и по количеству сора в его составе. Поэтому активно ведутся научно-исследовательские работы, направленные на усовершенствование технологии процесса джинирования. В этом направлении особое внимание уделяется к вопросам автоматизации работ процесса джинирования пильного джина, являющегося основной машиной хлопкоочистительных предприятий, повышение их производительности, усовершенствование колосников, увеличение эксплуатационной надежности машин, обеспечение сохранения натуральных качеств хлопкового волокна.

В нашей республике особое внимание уделяется к выпуску и модернизации производства готовой продукции текстильной и легкой промышленности с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки хлопка-сырца, повышению качества и количества хлопковой продукции для внутреннего и внешнего рынков и обеспечение их конкурентоспособности.

В стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах поставлены важные задачи перед производственниками, в том числе «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, уменьшение потребления энергии и ресурсов, широкое внедрение энергосберегающих технологий в производство...»². Выполнение этих задач, в том числе техническое и технологическое совершенствование машин и оборудования для отделения хлопкового волокна от семян, увеличение ресурсов рабочих органов и снижение их себестоимости являются важными задачами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан» и Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-2692 «Ускоренное обновление физически вышедших из строя и морально

